
МАРҒИЛОНДА ЯНГИ УЙЛАРДА ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАЛАРИ

Мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллиги байрами арафасида Марғилон шаҳридаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги қуриб битказилган 2 та 9 қаватли 80 хонадонга мўлжалланган турар-жой биноларини ўз эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳожиқўзижон Исақов табрик сўзи билан очиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берганини алоҳида эътироф этди.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги таъкидланиб, янги қуриб битказилган ушбу кўп қаватли уйларда яратилган шарт-шароитлар ҳам замон билан ҳамнафас ҳаёт кечираётган халқимизга муносиб тўхфа бўлганлиги қайд этилди.

Шундан сўнг рамзий тасмалар қирқилиб, меҳмонлар хонадонлардаги яратиб берилган шароитлар билан танишдилар, уй эгалари билан суҳбатлашилгандан сўнг нуроний отахонлар дуога қўл очиб, осмонимиз мусаффолиги ва шундай шодиёна кунлар бардавом бўлиши учун эзгу ниятлар билдирдилар.

Ушбу турар-жой бинолари Марғилон шаҳрининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани билан туташ қисмида – “Фарғона-Қўқон” автомобиль ёқасида қуриб битказилди. Уйлардаги хонадонлар кенг ва шинам шаклда лойиҳалаштирилган, замонавий лифт билан жиҳозланган. Ҳудудга 1,2 км узунликда электр тармоғи ва 1 км табиий газ тармоқлари тортилди ҳамда ичимлик суви иншооти барпо этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-30 22:10:47